

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАБИЕВА НОЗИМА АБДУРАҲИМОВНА

**БОЛАЛАР МИЯ ФАЛАЖЛИГИДА СИМПТОМАТИК ЭПИЛЕПСИЯ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК
ЖИҲАТЛАРИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

УЎК: 616.831-009.11+616.853-036.82

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Набиева Нозима Абдурахимовна

Болалар мия фалажлигида симптоматик эпилепсия ривожланишининг клиник
молекуляр-генетик жиҳатлари ва реабилитациясини оптималлаштириш 3

Набиева Нозима Абдурахимовна

Клинические молекулярно-генетические аспекты развития
симптоматической эпилепсии при детском церебральном параличе и
оптимизация реабилитации 27

Nabiyeva Nozima Abdurahimovna

Clinical molecular genetic aspects of the development of symptomatic epilepsy in
infantile cerebral palsy and optimization of rehabilitation 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 54

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

НАБИЕВА НОЗИМА АБДУРАҲИМОВНА

**БОЛАЛАР МИЯ ФАЛАЖЛИГИДА СИМПТОМАТИК ЭПИЛЕПСИЯ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК
ЖИҲАТЛАРИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фалсафа доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2022.1. PhD/Tib2474 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tipme.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Садикова Гулчехра Қобуловна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джурабекова Азиза Тахировна

Раимова Малика Муҳаммеджановна

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети
(Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 1 уй. Тел/факс: (+998 65) 223-00-50), Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru.

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтида Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан руйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 1 уй. Тел/факс: (+998 65) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «_____» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т.Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

Н.Ш.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Г.А.Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси тиббиёт фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Болалар мия фалажлиги (БМФ) – бу нерв тизимининг ривожланишининг бузилиши бўлиб, мушак тонуси, ҳаракатлар ва мотор кўникмаларидаги аномалиялар билан тавсифланади. Касаллик ривожланаётган миянинг шикастланиши билан боғлиқ бўлиб, у билан 500 та янги туғилган чақалоқдан тахминан 1 нафари касалланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) БМФ ни болалар ногиронлигининг энг кенг тарқалган сабаби деб тан олган ва унинг бутун дунё бўйича тарқалиши 17 миллион киши чегарасидан ошади¹. Симптоматик эпилепсия (СЭ) болалар ва катталарда 15-94% ҳолатларда БМФ нинг клиник кечишини ёмонлаштирадиган жиддий асорат бўлиб ҳисобланади. Бунда эпилепсиядан тўсатдан ўлим хавфини ошади².

Жаҳонда БМФни, унинг клиник-неврологик жиҳатларини ўрганиш, ташхислашнинг янги усуллари излаш ва даволаш натижаларини яхшилаш, касалликни эрта аниқлаш, СЭ нинг хавф частотаси ва патогенетик сабабларини аниқлаш, СЭ ривожланиши, БМФ билан касалланган беморларнинг психик ва интеллектуал ривожланиши функцияларида эпилептик жараённинг ролини аниқлаш устувор йўналиш сифатида мақсадли равишда олиб борилмоқда. Тадқиқотчилар ушбу патологияларнинг қўшилиб келишининг нейрофизиологик ва молекуляр-генетик маркёрларини аниқлашган. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатганки, замонавий молекуляр - генетик усуллар БМФ да СЭ ташхислаш ва кечиш оғирлигини башоратлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими болаларда асаб тизимининг перинатал патологиясини эрта аниқлаш ва асоратлар частотасини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалиётга жорий қилмоқда. 2022-2027 йилларда БМФ бўлган беморларга, уларнинг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш масалаларини ўз ичига олган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилган. Шунинг учун эпилептик жараённинг наслийлиги масалаларини аниқлаш ва БМФда даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг долзарб йўналишлари ҳисобланади. Ушбу беморларнинг адекват реабилитацияси ва ижтимоий мослашуви кўп жиҳатдан барча мавжуд бузилишларни ўз вақтида ташхислаш ва ҳар томонлама тўғри даволашга боғлиқ.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада

¹Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti veb-sayti, Jeneva: Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti. URL: <http://who.int/whr/2014/en/statistics.htm> dan mavjud.

²SUDEN (epilepsiyada to'satdan kutilmagan o'lim).

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»³ ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. БМФда эпилептик жараённинг патогенези, ташҳисоти ва даволаш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги етакчи тиббий илмий марказлари ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда.

Эпилептик жараённинг ривожланиш механизмларини аниқлаш, эрта ташҳис қўйиш, БМФни даволаш ва олдини олиш усулларини оптималлаштириш масалалари доимий равишда тадқиқотчи тиббиёт ходимларининг диққат марказида. Европа мамлакатларида эпидемиологик маълумотларни тўплашда “Европада БМФ эпидкузатуви” (1998) (SCPE) жуда катта вазифани бажарди. Ушбу ташкилот турли Европа марказларидаги касал болаларнинг регистрларини аниқлади. SCPE ҳозирда Европанинг 20 та давлатида 25 та амал қилаётган марказга эга (Paravasileiou A., Petra M., 2020).

Сўнгги йилларда ушбу патологияга индивидуумнинг ирсий мойиллиги ҳақида кўпроқ мунозаралар мавжуд. БМФ ва эпилепсия ҳолатларининг асосий қисмининг генетик этиологиясини аниқлашда эришилган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда, этиологик тадқиқотда унинг геном текширувини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Олимлар тобора кўпроқ БМФ ташҳисоти учун унифицирланган тузилишга асосланган фундаментал клиник тамойилларни сақлаб, геном тиббиётни ўз ичига олган янги ёндашувларни кўрсатишмоқда (Холин А.А., Заваденко Н.Н., 2019, Ғафуров Б.Ғ., Артикова М.А., 2019, Г.К.Содиқова, 2020, Мажидова Ё.Н., 2021, Гассан М.В., Сединина А.С., 2022).

Аммо касалликнинг аутосом-рецессив ва доминант наслий турларининг ирсий гетерогенлиги, ҳали кам ўрганилган. БМФнинг X-боғланган шаклларида мавжудлиги ҳақида тахмин мавжуд. Шунингдек, ирсий метаболик эпилепсиялар муаммоси ҳам ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида (06.2022 PhD 147) “COVID 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳоли саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

³ 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Тадқиқотнинг мақсади: симптоматик эпилепсия билан кечувчи болалар мия фалажлигининг клиник, молекуляр-генетик хусусиятларини тансифлаш, башоратлаш тамойилларини ишлаб чиқиш ва реабилитациясини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болалар мия фалажлиги билан касалланган беморларда клиник-неврологик, уларнинг қариндошларида неврологик дефицит ва эпилепсия мавжудлигига клиник-анамнестик ва генеалогик текширувларни ўтказиш;

болалар мия фалажлиги бўлган беморларда симптоматик эпилепсиянинг нейробиологик маркёрларини аниқлаш;

фолат метаболизмининг полиморф генларини (MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C), MTR (A2756G), MTRR (A66G)) таҳлил қилиш орқали болалар мия фалажлигининг турли хил вариантлари бўлган беморларда генетик гетерогенликни аниқлаш ва болалар мия фалажлиги ва симптоматик эпилепсия учун эҳтимолий номзод генларни аниқлаш;

болалар мия фалажлиги фонида симптоматик эпилепсияни даволаш ва реабилитация тактикасини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти. Тошкент шаҳар Республика болалар психоневрология шифохонасида даволанган 3-14 ёшли 255 нафар БМФ ташхисланган болани тиббий кўриқдан ўтказилган.

Тадқиқотнинг предмети: веноз қон зардоби

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқотда клиник-инструментал, генеалогик, нейрофункционал, молекуляр-генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

БМФ нинг спастик шаклларида эпилептик тутқаноқнинг тез-тез ва жуда тез-тез эшакллари учраши баҳоланиб, илк маротаби касалликнинг аутосом рецессив ва рецессив Х-боғланган ирсий турлари мавжудлиги исботланган;

БМФ бўлган беморларда патологик ЭЭГ, “шартли патологик” эпилептиформ фаоллик ва эпилепсиянинг наслийлик хусусиятлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган;

мия фалажи бўлган болаларда фолат метаболизми генлари (MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C), MTR (A2756G), MTRR (A66G) тақсимооти асосида БМФ нинг турли шаклларида генетик гетерогенлиги таҳлил қилинган;

илк маротаба СЭ сиз MTRR (A66G) ва СЭ MTHFR (C677T) ва MTRR (A66G) билан БМФ бўлган беморларда эпилепсия ривожланиш хавфини статистик жиҳатдан ишонарли даражада оширадиган номзод-генлар аниқланган;

“Леветирацетам” препарати билан БМФ фонида тутқаноқ хуружларини даволаш тактикаси оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

БМФнинг спастик шаклларида пароксизмал тутқаноқларнинг энг кўп учрайдиган шакллари сифатида кўриб чиқилиши лозимлиги тавсия этилган;

БМФ ва эпилепсиянинг аутосом рецессив ва рецессив Х-боғланган ирсий турларини генеалогик ўрганиш натижасида олинган маълумотлар генетик маслаҳат бериш амалиётига тадбиқ этилган;

фенотипик равишда СЭ сиз БМФ бўлган беморларда аниқланган шартли эпилептик фаоллик эпилепсияга айланиши эҳтимоли юқорилигини инобатга олиб, беморларнинг динамик мониторингини ўтказиб туриш тавсия этилган;

МТНFR (С677Т) ва МТRR (А66G) полиморф генларининг номақбул аллел ва генотипик вариантлари мустақил равишда БМФ ривожланиши билан ассоциирланиши мумкин. Ушбу патологиянинг ривожланишига йўл қўймаслик учун тадбирларни ўтказишда буни ҳисобга олиш муҳимлиги;

БМФда СЭ ни комплекс даволашда АЭП леветирацетамни буюриш мақсадга мувофиқлигини илмий асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган усуллар ва методология, назарий маълумотларнинг олинган натижага мувофиқлиги, беморларнинг етарли сони, тадқиқот натижаларини статистик таҳлил орқали қайта ишлаш, шунингдек натижаларнинг хорижий ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти БМФ да СЭ ривожланиш механизмлари бўйича янги маълумотларнинг олинганлиги, рецессив генларнинг наслдан наслга ўтиш усулларининг аниқланганлиги, генетик гетерогенликни, МТНFR (С677Т) ва МТRR (А66G) полиморф генларининг ноқулай аллел ва генотипик вариантларининг аниқланиши билан изоҳланган, улар мустақил равишда БМФ ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Патология ривожланишининг олдини олиш бўйича профилактика чораларини ўтказишда буни ҳисобга олиш муҳимдир. Бундан ташқари, беморларда церебрал фалажлик учун эҳтимолий номзод генлар ва БМФги эпилепсиянинг генетик маркёрлари аниқланган, бу ташҳисот сифатини сезиларли даражада яхшилайти ва леветирацетам билан антиэпилептик даволаш ва реабилитация чораларини оптималлаштиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. БМФда эпилептик жараённинг янги ташҳисот ва даволаш мезонлари бўйича олинган натижаларига асосан:

“Болалар мия фалажлигида симптоматик эпилепсия ташҳисоти ва даволашнинг замонавий ёндашувлари” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 7 апрелдаги 23п/021-сонли хулосаси). Улар касалликни эрта босқичда ташҳислаш, хавф гуруҳини аниқлаш, асосий касаллик ва асоратларни олдини олиш ва даволашнинг аниқ усулларини белгилашни такомиллаштириш имконини берган;

Тадқиқот натижалари Бухоро вилоят кўп тармоқли болалар маркази неврология бўлимида, Бухоро вилоят психоневрология диспансерининг болалар бўлимида жорий қилинган (2023 йил 17 майдаги 23-х/029-сонли хулосаси). Бу АЭП ни ташҳислаш ва “леветирацетам” билан даволаш сифатини яхшилаган, БМФда эпилептик тутқаноқ частотасини камайтирган ва унинг нейропротектив таъсири билиш, когнитив функцияларни оширган. Бундан ташқари, стационарга харажатларни 5-7 кунга камайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 11 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, бешта боб, хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, унинг мақсади ва вазифалари кўрсатилган, ўрганиш объектлари тавсифланган, унинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, амалиётга жорий қилиш учун олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти аниқланган, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Болалар мия фалажлиги бўлган болаларда симптоматик эпилепсиянинг ривожланишининг клиник, молекуляр-генетик хусусиятларига замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий нашрларнинг шарҳи берилган. Шунга кўра, батафсил ўрганишни талаб қиладиган бир қатор масалалар аниқланган, ишнинг долзарблиги ва ушбу мавзуни ишлаб чиқиш зарурати асосланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллариининг клиник тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида беморлар ва тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Маълумотнинг тўлиқлиги учун БМФ билан касалланган беморларда СЭ ривожланишини ўз вақтида ташхислаш ва уни даволаш ва олдини олишга табақалаштирилган ёндашув учун зарур бўлган клиник-анамнестик, генеалогик текширувларнинг нейрофизиологик, молекуляр-генетик параметрлар ўртасидаги боғлиқлиги кўрсатилган.

Клиник-инструментал ва анамнестик тадқиқотлар. Тадқиқотда 2020-2023-йилларда Тошкент шаҳридаги Республика болалар психоневрология шифохонасининг болалар неврология бўлимида даволанишда бўлган 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган БМФ ташхиси билан даволанишда бўлган 255 нафар бола киритилган. Болаларнинг ўртача ёши $5,7 \pm 1,25$ ёшни ташкил этган. Статистикага кўра, БМФ ривожланишига эркаклар кўпроқ мойил деб ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда кўрсаткичлардаги фарқлар ишонарли эди ($P < 0,05$): ўғил болалар 155 (60,8%), қизлар - 100 (39,2%) тани ташкил этган.

Асоратларнинг мавжудлиги ёки йўқлигига кўра, беморлар 3 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ (асосий) - СЭ билан асоратланган БМФ бўлган 102 бемор, 2-гуруҳ (таққослаш) - пароксизмал тутқаноқсиз БМФ 153 бемор, 3-гуруҳ - 50 нафар соғлом бола (назорат).

Шунингдек БМФ нинг клиник шаклига кўра гуруҳлар аниқланган. Ташхис К.А. Семенованинг (1981), БМФ нинг клиник таснифига кўра

аниқланган, бу касалликларнинг халқаро таснифининг КХТ-10/ICD-10 №7 талабларига мос келади. Унга кўра, БМФ нинг куйидаги шакллари ўрнатилган: икки томонлама гемиплегия, спастик диплегия, гемиплегик, гиперкинетик ва атоник-астатик шакллари. БМФ нинг клиник шакллари таҳлилида, текширилган болаларда икки томонлама гемиплегия 81 (31,7%) болада, спастик диплегия - 68(26,7%) болада, гемиплегик 49 (19,2%) болада, гиперкинетик 31 (12,1%) болада ва 26 (10,3%) болада атоник-астатик шакл бўлган (1-расм).



1-расм. Беморларнинг БМФ нинг шакллари бўйича тақсимланиши

Бундан ташқари, болалар Н.П Гундобин (1906) томонидан таклиф қилинган педиатрияда қабул қилинган болаликни алоҳида даврларга бўлиниши асосида ва уларнинг физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда А.Ф. Тур (1974) томонидан модифицирланган болалар 3 ёш гуруҳига бўлинган: 3-6, 7-11, 12-14 ёш. 3-6 ёшдаги болалар 116 (45,6%) беморларнинг бошқа гуруҳларига нисбатан энг кўп сонни ташкил этган.

Пациентларда умумий ҳаракат соҳаси умумий мотор таснифи (GMFCS) бўйича баҳоланган. Ҳаракат бузилишларининг оғирлиги 4 даражага кўра аниқланган: 0 даража - амалий соғлом пациент, эркин юра олади, баъзида мушак тонусида енгил ўзгаришлар кузатилиши мумкин, I даража – пациент баъзи (кичик) чекловлар билан мустақил равишда юра олади, баъзида юришда ноқулайликларни ҳис қилади, II даража – пациент ёрдамчи мослама ёрдамида юради, III даража - бемор ҳаракат қилиши мумкин, аммо маълум чекловлар билан; электик ногиронлар аравачасидан фойдаланиши мумкин, IV даража - бемор мустақил равишда ҳаракат қила олмайди; уни ногиронлар аравачасида энага олиб юради.

СЭ ривожланиш хавфини башорат қилиш учун ретроспектив тадқиқот ўтказилган: БМФ ташхисланган барча пациентларнинг касаллик тарихини таҳлил қилиш, уларнинг оналаридан сўров ўтказиш, наслий патологияни, шу жумладан эпилепсия мавжудлигини ўрганиш, нуқсонли геннинг ўтиш йўлини аниқлаш мақсадида шажарани (оила дарахти) тузиб чиқиш, ҳомиладорликкача аёлнинг ҳолатини таҳлил қилиш, болаларда турли пре-, интранатал- ва постнатал омилларнинг СЭ шаклланишига таъсирини таҳлил қилиш. Касаллик анамнези ўрганилган: она ва отанинг ёши, ҳомиладорликнинг кечиши, ёндош касалликлар, зарарли одатлар, туғруқ

тарихи, эгизакларнинг, айниса монозиготларнинг мавжудлиги, боланинг туғилган санаси ва вазни. БМФ бўлган беморларда эпилепсия ривожланиш хавфини башорат қилишнинг асосий омиллари аниқланган. Боланинг психомотор ривожланиши, боланинг ҳаракат бузилишларининг оғирлик даражаси ўрганилган.

Беморнинг ота-онаси ва бошқа яқин қариндошларидан анамнез йиғилган ва тиббий маълумотлар билан тўлдирилган (мутахассисларнинг кўрувлари, олдин ўтказилган инструментал ва лаборатор текширувлар натижалари). Клиник - неврологик текширув бажарилган, шу жумладан бош-чанок нервлар, пирамидал, экстрапирамидал, сезги ва мушак тизимлари, эпилепсия мавжудлиги ўрганилган.

Генеалогик текширув усули. Ирсий касалликлар тарқалишининг қонуниятларини аниқлаш учун шу усулдан фойдаланилган. Генеалогик таҳлил усули билан қуйидагиларни аниқланган: БМФ ва эпилепсия наслий характерга эгами. Агар бизнинг беморларимизда шундай боғлиқлик аниқланса, наслийлик тури, пробанднинг генотиби, оилада бошқа шундай касал боланинг туғилиш эҳтимоли ёки унда патологик белгининг ташувчанлиги ўрганилган. Техник жиҳатдан генеалогияни икки босқичда ўрганилган: 1 босқич – ушбу оилада белги ёки касалликнинг тарқалишини ўрганиш ва шажара дарахтини тузиш. 2 босқич – шажарани таҳлил қилиш.

Электронеурофизиологик усуллар - эпилепсия ташҳисотида асосий усул. Улар пароксизмларнинг эпилептик хусусиятини тасдиқлаш ва эпилептик ўчоқнинг локализациясини аниқлаш имконини беради. Мия тузилмаларининг функционал ҳолати ва мия тузилмаларининг етуклиги асаб тўқимасининг биоэлектрик фаоллиги билан ўрганилган.

Барча болаларда мунтазам электроэнцефалография (ЭЭГ) бажарилган. Тадқиқотлар «Энцефалан 131-03» (Россия), «Мицар» энцефалографларида «10-20» косачаларни жойлаштириш ва 30 мм/сек жойлаштириш тезлигида ўтказилган. ЭЭГ маълумотлари моно- ва биполяр уланишларда ўрганилган. Функционал тестлар қўлланилган (2-50 Гц частотада фотостимуляция). ЭЭГни таҳлил қилишда болалар миясининг биоэлектрик фаоллигининг (БМБЭФ) ёшга боғлиқ хусусиятлари ҳисобга олинган. ЭЭГ нинг ритмик фаоллигини тавсифлаш ритмни идентификациялашнинг учта мезони асосида амалга оширилган: диапазон частотаси, фаоллик фоусининг топографик локализацияси, ритмик тебранишларнинг ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқлиги (функционал реактивлик). Электроэнцефалограммалар текширилган беморларда БМБЭФ ҳолатини объектив баҳолаш имконини берган.

Тадқиқотни бажариш жараёнида 4 та полиморф ген ўрганилган. БМФ билан (n=100) ва соғломларда (n=103) фолат цикли генларини (MTHFR (C677T), MTHFR (A1298C), MTR (A2756G), MTRP (A66G) молекуляр-генетик таҳлил қилиш учун, веноз қон ЭДТА К2 пробиркаларига олинди. Генларни типлаш стандарт режимда ПЦР ёрдамида амалга оширилди: лимфоцитлардан геном ДНК ажратилди, сўнгра унинг тозаллиги (1,7/1,8) ва спектрофотометрда (NanoDrop 2000 АҚШ) концентрацияси А260/280 нм тўлқин узунлигида ўлчанган. Кейинчалик амплификацияни термоциклерларда (GeneAmp PCR-system 2720; Applied Biosystems, США и CG1-96 «Corbett Research» QUAGEN, Германия) ўтказилган. ДНК генининг

амплификация фрагментларининг миқдори ва спецификлиги 1-2% ли агарли гелда ва ўрнатилган камерали УБ-трансиллюминатор билан таҳлил қилиш орқали ўрганилган. Детектирланган генларнинг нуклеотидлар кетма-кетлиги «Oligo v.6.31» дастури ёрдамида аниқланган.

Статистик тадқиқот усуллари. Тадқиқот натижалари Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2016 дастурий пакети ёрдамида статистик қайта ишланган. Ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қиймати (M), стандарт оғиш (σ), ўртачанинг стандарт хатоси (m), нисбий қийматлар (частота, %) аниқлашда вариацион статистиканинг параметрик ва нопараметрик усуллари қўлланилган. Ўлчовларнинг статистик аҳамиятининг хатолик эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Студент (t) ва Фишер (F) мезонлари билан аниқланган. Аҳамиятлилик даражаси сифатида $P < 0,05$ қабул қилинган. Сифат қийматлари учун статистик аҳамиятлилик χ^2 - (хи-квадрат) ва z-критерий ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Болалар мия фалажлигида симптоматик эпилепсиянинг клиник кечиш хусусиятлари ва ташҳисоти”** деб номланган учинчи бобида БМФ нинг клиник шаклига қараб СЭ нинг хусусиятлари, частотаси ва табиати, СЭ ривожланишининг клиник-анамнестик хавф омиллари тавсифланган. СЭ - БМФ нинг клиник кечишини оғирлаштирувчи жиддий асорат бўлиб ҳисобланади.

БМФ да СЭ нинг учраш частотаси, турли тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, 18-80% ни ташкил қилади. Биз текширган 255 нафар БМФ ли болалар орасида 40% (102 бола) ҳолларда СЭ кузатилган. Бунда эпилептик тутқаноқларнинг пайдо бўлиш вақти муҳим – қанчалик эрта бўлса касалликнинг оқибати шунчалик оғир кечиши кузатилди. Спастик синдромлар миядаги ҳаракатни бошқарувчи пирамидал йўлларнинг шикастланиши туфайли юзага келади. БМФ контекстида улар юқори мушак тонуси ва рефлексларнинг кучайиши билан тавсифланади. Уларни қўйидагиларга бўлиш мумкин; икки томонлама гемиплегия, спастик диплегия, БМФ нинг гемиплегик шакллари. Бизнинг тадқиқотимизда (1-жадвал) касалликнинг айнан спастик шакл энг кўп сонни ташкил этган.

1-жадвал

Беморларнинг болалар мия фалажлигининг шакллари ва эпилепсиянинг учраш частотаси бўйича тақсимланиши, нафар (%)

БМФ нинг шакллари	Беморларнинг умумий сони n=255,%	СЭ билан БМФ n=102,%	P
1.Икки томонлама гемиплегия	81 (31,8)	42 (41,2)	p<0,001
2.Спастик диплегия	68 (26,7)	20 (19,6)	p<0,001
3. Гемиплегик	49 (19,2)	27 (26,5)	p<0,001
4. Гиперкинетик	31 (12,1)	7 (6,8)	p<0,001
5. Атоник-астатик	26 (10,2)	6 (5,9)	p<0,001

СЭ энг кўп БМФ нинг спастик шаклларида учрайди. Масалан, икки томонлама гемиплегияда СЭ частотаси бошқа шакллардан 1,6-6 бараварга

юқори. Энг катта гуруҳни спастик шакллар ташкил этган - 198 ҳолат, улар орасида -87,3% ни эпилепсия ҳолатлари ташкил этган.

Тутқаноқлар частотасини таснифлаш бўйича эпилепсия частотасини аниқладик: жуда кам - йил давомида 1 марта; камдан-кам ҳолларда - ойига 1 марта; ўртача частота - ойига 2-5 марта ёки ҳафтасига 1 марта; тез-тез - ойига 5 мартадан ортиқ; жуда тез-тез - ҳар куни. Тез-тез ва жуда тез-тез учрайдиган эпилептик тутқаноқлар ақлий заифликни келтириб чиқаради, ҳаракат қобилятини ёмонлаштиради ва боланинг нутқининг ривожланишини бузади. Икки томонлама гемиплегияли болаларда тез-тез хуружлар 30% кўпроқ ишончли тарзда қайд этилган. Жуда кам ва кам учрайдиган эпилептик тутқаноқлар касалликнинг қулай башорати бўлиб, улар БМФ нинг спастик диплегияси бўлган 4 нафар бемор болаларда аниқланган.

Эпилептик тутқаноқларни ўрганиш, синдромларни таснифлаш ва тегишли даволаш Халқаро эпилепсияга қарши лига (International League Against Epilepsy - ILAE) тавсияларига асосланган. Энг тез-тез учрайдиган генерализацияланган тутқаноқлар 54 (52,9%) пациентда, кейин фокал - 37 (36,3%) ва бошланиши номаълум бўлгани 11 (10,8%) беморда учраган. Анамнезда СЭ мавжуд бўлганда, тегишли антиэпилептик терапияни ўтказиш мақсадида эпилепсиянинг бошланиш ёши, тутқаноқларнинг тури ва частотаси, табиати ва локализацияси, ЭЭГ бузилишларнинг кўринишлари ҳисобга олинган.

БМФ бўлган беморларда умумий ҳаракат соҳаси умумий моторика таснифи (GMFCS) бўйича баҳоланган. Унга кўра, беморларнинг ҳаракат кўникмалари тўрт даражага бўлинган: бунда I даража энг енгил бузилишлар, IV-даража эса энг оғир. Енгил I-даража ҳам эпилепсияли ҳам эпилепсиясиз кам сонли болаларда кузатилган. IV-даража эпилепсияли БМФ билан касалланган беморларда учраган ва буни эпилепсия кўшилиши болалар мия фалажи кечишини оғирлаштириши тўғрисидаги далил тасдиқлайди.

Кўплаб тадқиқотчилар ирсий омилни БМФ юзага келишида мойиллик қилувчи омил деб баҳолашади. Оилада ирсий белгиларнинг тарқалиш табиатини ўрганиш генеалогик усул билан амалга оширилди. Генеалогик усулдан фойдаланиб, биз БМФ билан 255 та 1-даражали қариндошлиги бўлган оилаларни (ота-оналари, сибслар) БМФ беморларни текширдик: 1-гуруҳ - СЭ билан асоратланган БМФ бўлган 102 бола, 2-гуруҳ – СЭ сиз БМФ билан касалланган 153 нафар болалар. Назорат гуруҳи – бирор бир ирсий патологияси бўлмаган 50 нафар соғлом болалар. Барча болалар 3-14 ёшда эди. Ирсий белгилар сифатида қуйидагилар қабул қилинди: неврологик нуқсон ҳамда эпилепсия. Касаллик тарихи иккала ота-онадан, баъзи ҳолларда бобо ва бувилардан ўзаро сўров орқали аниқланган. Мезон сифатида иккита белги танлаб олинган: 1-чи - ўрганилаётган оилада бирор бир неврологик нуқсоннинг тарқалганлиги; 2 – тадқиқ этилаётган оилада эпилепсиянинг мавжудлиги. Бизнинг Тадқиқотимизда СЭ ли ва СЭ сиз БМФ беморлар пробанд (ўрганилаётган шахс) бўлган. Шажара учун биз бемор оиласининг 3 авлодида неврологик нуқсонлар ва эпилепсия мавжудлиги ҳақида маълумот тўпладик. Иккала хусусиятни ҳам алоҳида таҳлил қилдик.

Неврологик нуқсонларни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, иккала гуруҳда ҳам ирсиятнинг асосан иккита тури мавжуд: аутосом-рецессив ва X-

боғланган рецессив (2-жадвал). Неврологик нуқсон асосан эркакларда устунлик билан аниқланган, аёллар камдан-кам ҳолларда ва фақатгина оталари касалланганида касал бўлишган. Бу билан БМФ ли болаларнинг умумий гуруҳида қизларга қараганда ўғил болалар кўпроқ бўлганлиги далилини тушунтирилади

2-жадвал.

Болалар мия фалажлигида неврологик дефицит учун ирсиятнинг тақсимланиши табиати, нафар (%)

Наслийлик тури	СЭ билан БМФ	СЭ сиз БМФ	t	P
Аутосом-рецессив	31 (30,4)	61 (39,9)	23,8	p<0,001
Рецессив, X-боғланган	29 (28,4)	22 (14,4)	25,7	p<0,001
Аниқланмаган	42 (41,2)	70 (45,7)	33,9	p<0,001
Жами	102 (100)	153 (100)		

Неврологик танқислик бўйича наслийликнинг аутосом-рецессив тури иккала гуруҳда ҳам топилган, аммо СЭ сиз БМФ бўлган беморлар гуруҳида юқори ишончлилик билан аниқланган. Умумий сондан 112 (43,9%) беморда наслийлик турини аниқлаб бўлмаган. Эҳтимол, бу ҳолатларда БМФ кўринишидаги неврологик нуқсон бошқа ирсий бўлмаган омиллар фонида ривожланган.

Ҳар бир ирсият тури учун иккала гуруҳдаги пробандлар оилаларида эпилепсия мавжудлиги ҳам аниқланган (3-жадвал). Эпилепсия бўйича наслийликнинг сезиларли даражада энг кўп учрайдиган ҳолатлари X-боғланган рецессив типга кўра СЭ билан БМФ бўлган беморлар гуруҳида аниланган.

3-жадвал

Болалар мия фалажлигида эпилепсия учун ирсиятнинг тарқалиш табиати, нафар (%)

Наслийлик тури	СЭ ли болалар мия фалажи	СЭ сиз болалар мия фалажи	t	P
Аутосом-рецессив	30 (29,4)	35 (22,9)	15.9	p<0,001
рецессив, X-боғланган	45 (44,1)	30 (19,6)	25.9	p<0,001
Аниқланмаган	26 (25,5)	88 (57,5)	6.5	p<0,001
Жами	102 (100)	153 (100)		

БМФ бўлган болаларнинг кўпчилигида - 114 (44,7%) эпилепсияни аниқлаб бўлмади. Эҳтимол, ушбу ҳолатларда эпилепсия ирсий эмас, балки симптоматик бўлган, яъни асосий касаллик БМФ нинг – асорати бўлган.

БМФ ва СЭ ривожланишининг хавф омиллари. Касалликнинг тўлиқ клиник кўринишини ва оқибатини тушуниш онтогенезнинг дастлабки босқичида мия шикастланишининг патогенезини аниқламасдан, шунингдек, БМФдаги СЭ ривожланиши учун хавф омилларини аниқламасдан имконсиздир. Биз ривожланаётган миёга зарар етказадиган омилларни

ўрганиб чиқдик. Уларни уруғланишдан олдин, ҳомиладорлик даврида, туғруқ вақтида ва бола туғилгандан кейинги омиларга бўлдиқ (4-жадвал).

4-жадвал

Онанинг уруғланишдан олдинги саломатлик ҳолатига кўра, БМФ ва СЭ ривожланишининг сабаблари, нафар (%)

Касаллик	болалар мия фалажи (n=153)	СЭ билан мия ярим фалаж (n=102)	P
Нафас олиш аъзолари	16 (10,4)	5 (4,9)	p<0,001
Қон ва қон ҳосил қилиш	121(79,0)	79 (77,4)	p<0,001
Юрак қон-томир тизими	11 (7,2)	18 (17,6)	p<0,05
Овқат ҳазм қилиш аъзолари	14 (9,2)	7 (6,9)	p<0,001
Сийдик таносил тзими	15 (9,8)	6 (5,9)	p<0,001
Эндокрин тизими	21 (13,7)	12 (11,8)	p<0,001
Суяк-бўғим тизими	6 (3,9)	2 (1,3)	p<0,01
Онанинг ёши <18	8 (5,2)	17 (11,1)	p>0,05
Онанинг ёши > 40	25 (16,3)	5 (4,9)	p<0,001
Отасининг ёши >55	11 (7,2)	15 (14,7)	p<0,001
Зарарли одатлар (чекиш, алкоғол истеъмол қилиш, психотроп воситалар ва бошқ.)	12 (7,8)	14 (13,7)	p<0,001

Қон ва қон ҳосил қилиш касалликлари СЭ борлиги ва йўқлигидан қатъий назар кўпчилик БМФ ли болаларнинг туғилишининг асосий сабабларидан бири бўлган.

Онанинг иммунитети ва унга боғлиқ бўлган она инфекциялари ва омиларини ўрганиш ҳомиладорликкача она инфекциялари ва наслдаги мия фалажлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга кўмаклашган (5-жадвал).

5-жадвал

Ҳомиладорликнинг пренатал даврига боғлиқ ҳолда БМФ ва СЭ ривожланишининг сабаблари, нафар (%)

Сабаб	БМФ (n=153)	СЭ билан БМФ (n=102)	P
Тарқалган инфекциялар (ЎРК, ЎРВИ, грипп, ичак)	121(79,0)	72 (70,6)	p<0,001
TORCH - инфекция	75 (49,0)	23 (22,5)	p<0,001
Презклампсия	78 (50,9)	71 (69,6)	p<0,001
Ҳомила тушиш хавфи ва қон кетиш	45 (29,4)	58 (56,9)	p<0,001
Эгизакларнинг мавжудлиги	7 (4,6%)	19 (18,6)	p<0,001
Психо-эмоционал ташвишланиш, стресс	57 (37,2)	32 (31,4)	p<0,001
Она ва боланинг резус номутаносиблиги	11 (7,2)	4 (3,9)	p<0,001
Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ	13 (8,5)	18 (17,6)	p<0,001
Эпилепсия бўйича наслийлик	18 (11,8)	20 (19,6)	p<0,001

6-жадвал

Интранатал даврда БМФ ва СЭ ривожланишининг сабаблари, нафар (%)

Сабаб	БМФ (n=153)	СЭ билан БМФ (n=102)	P
Апгар шкаласи бўйича балл<7	78 (50,9)	71 (69,6)	p<0,001
37 ҳафтагача эрта туғруқ	66 (43,1)	79 (77,4)	p<0,001
Туғилгандаги вазни 2,5 кг дан кам	59 (38,6)	75 (73,5)	p<0,001
Кесарча кесиш ва бошқ.	18 (11,8)	11 (10,8)	p<0,001
Чўзилган туғруқ	86 (56,2)	65 (63,7)	p<0,001
Туғруқни жадаллаштириш	82 (53,6)	70 (68,6)	p<0,001
Туғруқ травмалари	64 (41,8)	32 (31,4)	p<0,001

Постнатал даврда БМФ нинг ва СЭ ривожланишининг асосий сабаби муддатидан эрта туғруқ, 37 ҳафтагача боланинг туғилиши бўлган (7-жадвал).

7-жадвал

Постнатал даврда БМФ ва СЭ ривожланишининг сабаблари, нафар (%)

Сабаб	БМФ (n =153)	СЭ билан БМФ (n =102)	P
Муддатидан олдинги туғруқ<37 ҳафта	69 (45,1)	69 (67,7)	p <0,001
Муддатидан ўтган ҳомиладорлик> 40 ҳафта	3 (2,0)	14 (13,7)	p >0,05
Аниқланмаган (37-40 ҳафта)	81 (52,9)	19 (18,6)	p <0,001

Кўпчилик ҳолларда болалар гестацион даврнинг 38-40-ҳафтасида туғилган бўлган. Афсуски, касалликнинг ривожланиш сабаблари аниқланмаган. Мия фалажининг ва эпилепсиянинг айнан шу айрим ҳолатлари, айниқса сабаблари номаълум бўлганлари, генетик ва генетик бўлмаган этиологияга эга бўлиши мумкин.

Ген мутацияларининг БМФ фенотипининг ривожланиши билан боғлиқлиги, монозиготали эгизаклар жуфтлигида БМФ фенотиби ва эпилепсия ривожланишининг юқори хавфи, яқин қариндошлар никоҳидан туғилган болаларда БМФ нинг ривожланишининг юқори хавфи, эпилепсиянинг наслилиги, отанинг ёши - бу геном бузилишлар ривожланишининг юқори эҳтимолини белгилайдиган омиллардир. Сабаб-оқибат муносабатларини ўрнатиш учун кўпроқ асосланган молекуляр-генетик тадқиқотларни кўпроқ асосланган ҳолда ўтказиш керак.

БМФ да СЭ ли болаларда миянинг биоэлектрик фаоллиги ҳолати. ЭЭГ бош миянинг функционал биоэлектрик фаоллигини (БМБЭФ)

визуализациялайди. Айниқса муҳим жиҳати, ЭЭГ миянинг эпилептик фаоллик ўчоғини кўрсатади.

Барча беморларга 255 (100%) кишида стандарт ЭЭГ бажарилди. Сўнгра, биз асосий гуруҳдаги БМФ билан СЭ ли беморларнинг ва таққослаш гуруҳи – СЭ сиз БМФ ва назорат гуруҳининг соғлом болаларининг мунтазам-ЭЭГ хусусиятларини таққосладик. Бунда Е.А. Жирмунская бўйича паттернлар ва ЭЭГ гуруҳларини тавсифлашнинг стандарт тизимидан фойдаландик. Бу тизим нейровизуализация учун асос бўлиб ҳисобланади, боланинг ёшига мос ҳолда ЭЭГ ни баҳолайди (8-жадвал).

8-жадвал

БМФ ли беморларнинг ЭЭГ-мунтазам хусусиятларининг кўрсаткичлари, нафар (%)

ЭЭГ турлари	СЭ сиз БМФ n=153	СЭ билан БМФ n=102	Соғлом болалар n=50	P
I. Уюшган	4 (2,6)	2 (1,9)	31 (62,0)	p>0,05
II. Гиперсинхрон	11 (7,2)	3 (2,9)	13 (26,0)	p<0,001
III. Десинхрон	14 (9,2)	5 (4,9)	6 (12,0)	p<0,001
IV. α-фаолликнинг устунлик ёилиши билан уюшмаган	58 (37,9)	32 (31,4)	-	p<0,001
V. θ- ва δ-фаолликнинг устунлик ёилиши билан уюшмаган	66 (43,1)	60 (58,9)	-	p<0,001

I-III типлар моҳиятига кўра ЭЭГ меъёрига тааллуқли α-, θ- ва δ-фаоллигининг устунлик қилиши билан IV-уюшмаган типлар ЭЭГ нинг патологик вариантлари ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотларимизда IV – тип соғлом болалар орасида рўйхатга олинмаган. IV – тип ҳар иккала гуруҳнинг болаларининг учдан бир қисмида аниқланган, V – эса пациентларнинг ярмида аниқланган. Соғлом гуруҳ болалари орасида V типдаги бирорта ҳам ҳолат аниқланмаган. V типдаги ЭЭГ нинг мавжудлиги СЭ билан янада чуқурлашадиган миянинг кўпол деструктив зарарланишларини кўрсатади.

ЭЭГ эпилептиформ фаоллигининг турини аниқлаш, айниқса пациентнинг тутқаноқлари пайтида катта аҳамиятга эга. Хуружлар орасидаги даврда ташҳисот қиймати бироз камаяди. Биз ҳар доим ҳам стандарт ЭЭГда эпилептик фаолликни қайд эта олмадик, чунки у кўпинча кундузи бола уйғоқ даврида юзага келмайди. Шунинг учун эпилептик фаолликни видео ЭЭГ мониторинги бўйича аниқладик. Олинган фаолликларни Америка нейрофизиологлар ассоциацияси томонидан қабул қилинган ЭЭГ патологияларининг халқаро таснифи (2001) асосида тизимлаштирдик.

ЭЭГ патологик ва “шартли патологик” эпилептиформ фаоллиги юқори ишончлилиқ билан иккала гуруҳда ҳам эпилепсия учун ирсиятли болаларда қайд этилган (P<0,001). Таққослаш гуруҳининг беморларида (СЭ сиз БМФ) “шартли эпилептик фаоллик” пациентларнинг учдан бир қисмида

аниқланган. Бу болалар кузатувга олинган, чунки бундай фаоллик патологик ҳолатга трансформацияланиши мумкин ва эпилептик тутқаноқлар ривожланишининг юқори хавфи мавжуд.

Диссертациянинг “СЭ ли ва СЭли Болалар мия фалажи бўлган пациентларда фолат кислотаси метаболизмининг полиморф генларини МТНFR (С677Т), МТНFR (А1298С), МTR (А2756G), МTRR (А66G) уларнинг касалликнинг ривожланиш хавфининг ошишига қўшган ҳиссасини ўрганиш билан таҳлил қилиш” деб номланган тўртинчи бобида соғломларда ва СЭсиз ва СЭ ли БМФ ли беморларда ўтказилган молекуляр-генетик таҳлил натижалари тақдим этилган. Кўрсатилган полиморф генларнинг кузатилган (Н_о) ва кутилган (Н_е) генотип частоталарининг БМФ ли пациентлар ва соғлом болалар гуруҳларида тақсимланишининг мослигини таҳлил қилинган ҳолда, уларнинг Харди-Вайнберг мувозанатига (РХВ) кўра каноник тақсимоти ўрнатилди (P>0,05).

МТНFR (С677Т) гени полиморфизмининг молекуляр-генетик таҳлили натижалари назорат гуруҳида ва БМФ ли пациентларда унинг аллел (С ва Т) ва генотипик вариантларини (С/С, С/Т ва Т/Т) аниқлаш имконини берган (9-жадвал).

9-жадвал

БМФ бўлган беморлар ва соғломлар гуруҳларида МТНFR гени (677СТ) полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тақсимоти

Гуруҳ	Аллел				Генотип					
	С		Т		С/С		С/Т		Т/Т	
	п	%	п	%	п	%	п	%	п	%
Жами, n=100	154	77,0	46	23,0	62	62,0	30	30,0	8	8,0
СЭ сиз БМФ, n=81	128	79,0	34	21,0	51	63,0	26	32,1	4	4,9
СЭ билан БМФ, n=19	26	68,4	12	31,6	11	57,9	4	21,0	4	21,1
Назорат, n=103	172	83,5	34	16,5	74	71,8	24	23,3	5	4,9

МТНFR (С677Т) генетик полиморфизмига кўра аллел ва генотип частоталарининг кўрсаткичларини БМФ ли умумий пациентлар гуруҳида ва соғломлар ўртасида таққослаш шуни кўрсатдики, Т минор аллелининг частотаси БМФ да меъёрдан 1,5 баравар юқори ($\chi^2=2,7$; P=0,1; OR=1,5; 95%CI: 0,92-2,47). Шу билан бирга, БМФ ли пациентларда учта генотипик вариант ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар топилмаган (С/С учун: $\chi^2=2,2$; P=0,2; OR=0,6; 95%CI: 0,36-1,15; С/Т учун: $\chi^2=1,2$; P=0,3; OR=1,4; 95%CI: 0,76-2,63 ва Т/Т генотиби учун: $\chi^2=0,8$; P=0,4; OR=1,7; 95%CI: 0,54-5,34).

МТНFR (С677Т) полиморфизми учун аллел ва генотип частоталарини СЭ сиз БМФ ли гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасида таққослаш Т минор аллелининг частотасининг 1,3 мартага статистик жиҳатдан ишончсиз ўсишини ($\chi^2=1,2$; P=0,3; OR=1,3; 95%CI: 0,79-2,28) ва С/Т гетерозиготали генотипининг-1,6 мартага ($\chi^2=1,8$; P=0,2; OR=1,6; 95%CI: 0,81-2,98)

ошганлиги аниқланган. Ёввойи С/С генотипининг частотаси эса ($\chi^2=1,6$; $P=0,3$; $OR=0,7$; $95\%CI: 0,36-1,24$) мутант Т/Т генотипининг бир хил частотасида ($\chi^2<3,84$; $P=0,99$; $OR=1,0$; $95\%CI: 0,26-3,92$) биров камайган.

БМФ ва СЭ ли пациентларда ва соғлом болаларда ўтказилган шунга ўхшаш тадқиқотлар назоратга нисбатан Т минор аллелини ташиш улушининг 2,3 баравар ($\chi^2=4,8$; $P=0,05$; $OR=2,3$; $95\%CI: 1,0-5,0$) ва Т/Т генотиби 5,2 мартага ($\chi^2=6,2$; $P=0,03$; $OR=5,2$; $95\%CI: 1,42-19,29$) ошишини ишончли аниқлаш имконини берди.

Шу билан бирга, асосий С/С ($\chi^2=1,5$; $P=0,3$; $OR=0,5$; $95\%CI: 0,2-1,46$) ва гетерозиготали С/Т ($\chi^2<3,84$; $P=0,9$; $OR=0,9$; $95\%CI: 0,27-2,89$) генотипларнинг ташиш нисбати меъёрий қийматлардан ишонарли фарқ қилмади. Бинобарин, БМФ ва СЭ ли пациентларда Т минор аллели ва Т/Т генотипининг ташувчилари улушининг сезиларли даражада ошиши уларнинг БМФ фониди СЭ шаклланиши механизмларида иштирок этишини ишончли кўрсатади ва уларни СЭ ли БМФ ривожланиш хавфини оширадиган мустақил генетик маркерлар сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Полиморф МТНFR гени (С677Т) бўйича аллел ва генотипик вариантлар ташувчанлигида фарқларнинг аҳамиятини СЭ сиз ва СЭ сиз БМФ ли беморлар гуруҳлари ўртасида таққослаб, биз статистик аҳамиятли фарқларни топмадик.

Шундай қилиб, биз ноқулай Т аллели ва полиморфик МТНFR генининг (С677Т) Т/Т генотиби ўртасида ассоциация мавжудлигини аниқладик, бу СЭ ли БМФ нинг ривожланиш хавфини оширади. Шунинг учун уларни БМФнинг ушбу шаклининг ривожланиш хавфи ортисининг мустақил генетик маркерлари сифатида кўриб чиқилиши мумкин (10-жадвал).

10-жадвал

БМФ бўлган беморлар ва соғломлар гуруҳларида МТНFR гени (1298АС) полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тақсимооти

Гуруҳ	Аллеллар				Генотиплар					
	А		С		А/А		А/С		С/С	
	п	%	п	%	п	%	п	%	п	%
Жами, n=100	156	78,0	44	22,0	65	65,0	26	26,0	9	9,0
СЭсиз болалар мия фалажи, n=81	124	76,5	38	23,5	51	63,0	22	27,2	8	9,8
СЭ билан ИСП, n=19	32	84,2	6	15,8	14	73,7	4	21,0	1	5,3
Назорат, n=103	168	81,5	38	18,5	71	68,9	26	25,2	6	5,9

Умумий гуруҳда полиморф МТНFR генининг (А1298С) аллеллари ва генотиплари частоталарининг тақсимланишидаги фарқларнинг табиатини ўрганиш, назорат гуруҳи билан солиштирганда, С минор аллели

частотасининг статистик жиҳатдан аҳамиятсиз 1,2 бараварга ($\chi^2=0,8$; $P=0,4$; $OR=1,2$; 95%CI: 0,77-2,03) ошиши аниқланди. Шу билан бирга, БМФ ли пациентларда асосий А/А генотипининг частотаси бир бирликдан паст бўлган ($\chi^2=0,4$; $P=0,6$; $OR=0,8$; 95%CI: 0,47-1,5). Шунингдек гетерозиготали А/С ($\chi^2<3,84$; $P=0,95$; $OR=1,0$; 95%CI: 0,55-1,95) ва мутант гомозиготали С/С генотипларининг ($\chi^2=0,7$; $P=0,4$; $OR=1,6$; 95%CI: 0,55-4,63) частоталаридаги фарқлар ҳам статистик жиҳатдан ишончсиз бўлди.

СЭ сиз БМФ ли беморларда С минор аллел улушини аниқлашда биз унинг назоратдан 1,4 бараварга ишончсиз ўсишини ($\chi^2=1,4$; $P=0,3$; $OR=1,4$; 95%CI: 0,82-2,24). Ушбу гуруҳдаги беморларда назорат билан таққослаганда гетерозиготали А/С генотиби ($\chi^2=0,1$; $P=0,8$; $OR=1,1$; 95%CI: 0,57-2,14) ва С/С мутант генотиби ($\chi^2=1,1$; $P=0,4$; $OR=1,8$; 95%CI: 0,6-5,27) частотасининг ошишини аниқладик, лекин бу ишончсиз бўлди.

БМФ ва СЭ ли пациентлар ва назорат гуруҳи болалари ўртасида ҳам паст аҳамиятли фарқлар аниқланди.

Касал ва соғлом болалар гуруҳларидаги фарқларни қиёсий таҳлил қилишдан ташқари, биз СЭ мавжудлиги ёки йўқлигига кўра МТНFR полиморф генининг (A1298C) аллақачон ўрганилган аллеллари ва генотиплари частоталаридаги фарқлар даражасини баҳоладик. Бироқ, бу натижалар ҳам аҳамиятли даражадаги фарқлар билан ажралиб турмаган (С аллели учун: $\chi^2=1,1$; $P=0,4$; $OR=1,6$; 95%CI: 0,64-4,17); А/С генотиплари учун: $\chi^2=0,3$; $P=0,6$; $OR=1,4$; 95%CI: 0,42-4,66); 95%CI: 0,42-4,66 ва гомозигот С/С мутант генотип учун: $\chi^2=0,4$; $P=0,6$; $OR=2,0$; 95%CI: 0,24-16,2).

